

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ КОММУНИКАСТСИЯ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ахмедова Нилуфар Паҳритдиновна

Сурхондарё вилояти Узун туман 18-умумий ўрта таълим мактабнинг  
информатика фани ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола мактабда фан ўқитувчиларининг АҚТдан самарали фойдаланиш ва ўқувчиларнинг АҚТ фанлари асосида дунёқарашларини ривожлантириш, фанлараро интегратсияни ўзаро боғлиқлигини амалга тадбиқ этишга қаратилган.

Кутилаётган натижа. Мактабларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ўқувчиларнинг АҚТ саводхонлигини ошириш ва ўқувчи ёшларни ижтимоий тармоқлардан самарали ва манфиатли фойдаланишни йўлга қўиши.

**Калит сўзлар:**компьютер, видеокўз, видеокамера, LCD проектор, интерактив электрон доска, факс modem, телефон, электрон почта, мультимедиа воситалари, мобиль алоқа тизимлари.

Таълим тизимини ривожлантиришда техник воситалардан фойдаланиш, ўқитиши учун биргина компьютернинг мавжудлиги ва компьютердан фойдаланиш самараси бугунги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланадаи. Зеро таълимда ўқиши, тинглаш билан бараварида кўриш катта аҳамиятга эга. Компьютер ва техник воситаларидан фойдаланиш ана уша кўриш имкониятини оширидаи ва ўқувчини диққат эътиборини ўзига тортади. Шу билан бирга мактабларда ушбу техник воситаларидан самарали фойдаланиш ўқувчи ва ўқитувчининг АҚТдан билим даражаси ошириши ва замон билан ҳамнафас бўлиб бориш имкониятини яратади. Авваллари телевизор, видеомагнитофон, кинопроектор, диапроектор ва бошқалар бажарган функцияларни компьютер муваффақият билан ўз зиммасига олди. Қолаверса, ахборотни узатиш, сақлаш, тасвирлаш сифати сезиларли даражада ортди. Ҳозирги кунга келиб, компьютер саводхонлиги, мобил телефонлар орқари маълумот олиш, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданиятнинг муҳим белгисига айланаб улгурди, келажакда эса у ҳар бир инсонга қаерда, қайси участкада ишламасин заруратга айланади. Компьютер иши, компьютердан фойдаланишга ўргатиш энг яқин вақт ичидаги умумий ишга айланиси шубҳасиз.

Замонавий ахборот технологияларининг воситалари қаторига: компьютер, сканер, видеокўз, видеокамера, LCD проектор, интерактив электрон доска, факс модем, телефон, электрон почта, мультимедиа воситалари,мобиъ алоқа тизимлари, маълумотлар омборини бошқариш тизимлари, сунъий интелект тизимларини киритиш мумкин. Ахборот технологияси воситалари муайян амалларни онгли ва режали амалга оширишда ўзлаштирилади.

Бу жараён қуидагиларни ўз ичига олади:

Замонавий ахборот технологияларининг таълим жараёнларига жорий этилиши: - талабага касбий билимларни эгаллашига; - ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш орқали фан соҳасини чуқур ўзлаштирилишига;

- ўқув фаолиятининг хилма-хил ташкил этилиши ҳисобига талабанинг мустақил фаолияти соҳасининг кенгайишига; - интерактив мулоқот имкониятларининг жорий этилиши асосида ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаштиришга;

- сунъий интеллект тизими имкониятларидан фойдаланиш орқали талабанинг ўқув материалларини ўзлаштириш стратегиясини эгаллашига;

- ахборот жамияти аъзоси сифатида унда ахборот маданиятининг шаклланишига;

- ўрганилаётган жараён ва ҳодисаларни компьютер технологиялари воситасида тақдим этиш, талабаларда фан асосларига қизиқишини ва фаолликни оширишга олиб келиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида таъкидланган усуллардан самарали фойдаланиш биргина мактабнинг информатика фани ўқитувчининг касби бўлиб қолмасдан ,балки барча фан ўқитувчилари фойдаланиши самараси кўпроқ бўлади. Зеро биргина информатика дарсларидан фойдаланиш ўқувчининг имкониятини чеклаб қўиши билан бирга бошқа фанларга нисбатан ўқувиларнинг қизиқиши пасаиб боради. Бошқа дарслардан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлмаганда ўқувчи информатика дарслари жараёнида қисқа вақтда кўп маълумот олишга интилади,аммо вақтнинг маҳдудлиги ва таълим програмасидан чиқа олмаслик,хар бир фан ўз олдида қўйган ДТС бажариши лозимлиги жиҳатидан барча маълумотларни етказиш имконияти бўлмайди.

Бугунги кун таълим тизимини ривожлантириш учун ва ўқитувчиларга имконият яратиш мақсадида мактабларда АКТ хоналарининг сонини кўпайтириш, синфхоналарда компьютер, сканер, видеокўз, видеокамера, LCD проектор, интерактив электрон доска каби воситалар билан таъминлаш чораларини кўриш вақти келди.

Биргина она тили ва адабиёт дарсларида мавзу доирасида Оламга саёҳат уюштириш мумкин, ҳатто уша давр билан боғлиқ маълумотларни олиб ўқувчини фикрлаш қобилиятини ривожлантириш имкони яратилади.

Намуна тариқасида буюк бобокалонимиз Мир Алишер Навоий мавзусини ўргатишида АҚТ дан самарали фойдаланиш учун баъзи тавсияларни айтиб ўтамиш:

Ўқувчи таълим жараёнида Алишер Навоий ҳақида соатлаб гапириши мумкин, бу ўқувчларнинг бир қисмини диққат эътиборини ўзига тортса, бир қисми тушунмаслиги, ёки қизиқмаслиги мумкин. Агар ушбу имкониятлар мавжуд бўлса ўқувчи Навоий ижод қилиб ўтган замон ва макон билан расмлар асосида танишиб олади. Шоир ёзган асарларини ўқитувчи томонидан яратилган слайдлар асосида кўриш ва қисқа шоҳбайтларини ўқиши имконияти яратилади. Ўқитувчи биргина мавзу асосида ҳатто шоирнинг яшаган шахрларини кўрсатиб ўқувчиларнинг диққат эътиборини қисқагина вақтда бошқа бир мамлакатга жалб қилиб хаёлот оламини боитади. Фанлараро алоқаларини боғлайди. Шу билан бирга ўқувчи билиш ва интилиши кучаяди ва ушбу мамлакатларнинг сиёсий ижтимоий жиҳатларини билиш учун тарих дарсидан билиб олишга интилса, сиёсий жойлашуви ва бугунги кундаги мавқеи жиҳатидан география дарсига қизиқишини оширади.

Бунинг учун мамлакатимиз олдида турган вазифаларидан бири бу техник воситлари билан таъминлаш деб ўйлайман.

Замонавий ахборот коммуникация технологияларини фойдаланишни жорий этиш ва ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда қатор чора тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борада || ПҚ-1730-сон Қарори қабул қилинганлиги мактабгача таълим тизимида АҚТдан фойдаланиш моддий техник базасини ривожлантиришга қаратилган бўлса, ҳамда 2023-2024 ўкув йилидан бошлаб мактабларнинг 1-синфларида информатика дарсларини жорий этилиши замон талаблари ва ёшларни билмига замонавий техника воситларидан фойдаланиш ва ўзига тегишли ахборотларни ижтимоий тармоқлардан олиш, ижтимоий тармоқлардан ўзини ҳимоя қилиш каби ҳаётий тушунчаларга эга бўлади.

Замонавий ахборот коммуникация технологиялари асосида ташкил этилган машғулотларда тарбияланувчилар оддий машғулотларга қараганда қўпроқ самара беради. Шу ерда мамлакатимиз Президентининг қуидаги сўзлари юқорида келтирилган фикрларнинг исботи:

**“Мактабда ўқитиш методикаси ўзгармаса, таълим сифати ҳам, мазмуни ҳам, муҳит ҳам ўзгармайди”.**

Шунинг учун болаларнинг қизиқиши ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда, уларга таълим тарбияни мактабгача бўлган даврда ҳар томонлама пухта таълим ва тарбия бериш, дунёқарашини кенгайтириш, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, қалби ва онгига миллий ва умуминсоний, ватанпарварлик қадриятларни сингдириб бориш, шу орқали уларни ота-онага бўлган муҳаббат, покиза орзулар руҳида камол топтириш бугунги кундаги энг муҳим, энг долзарб масалалардан бири эканлигини эсдан чиқармаслигимиз лозим. Буларни амалга ошириш учун ўқитувчи, мактаб шароитини яхшилаш вақти, турли баландпарвоз сўзлардан амалий бажариш вақти келди. Бугунгк берган эътибор келажакда бўлган сармоя ва фарзандларимизнинг мактабда ўқишига жалб қилишнинг асосий воситларидан хисобланади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг марузалари .Ижтимоий тармоқдан фойдаланилди.
2. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари. Монография. -Т.: Фан, 2007.
2. Қодиров Б.Ғ., Бегимқулов У.Ш., Абдуқодиров А.А. “Ахборот технологиялари”. Электрон дарслик. 2002 й.